

2026 йил «» майдаги -сонли

буйруққа 1-илова

“TRAVEL”**саёҳатчиларни суғурта қилиш бўйича СУҒУРТАЛАШ ҚОИДАСИ****1. БЎЛИМ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур “Чет элга чикувчи жисмоний шахсларни” суғурталаш Қоидалари (кейинги ўринларда - «Қоида») суғурта фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва “KAFIL SUG'URTA” акциядорлик жамиятининг (кейинги ўринларда – “Суғурталовчи”) ахборот тизимлари - “online” ёрдамида чет элга чикувчи жисмоний шахсларни суғурталаш шартларини белгилаб беради.
2. Мазкур Қоида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ, умумий суғурта соҳасининг “бахтсиз ходисалардан суғурта қилиш” 1-класси ва “касалликдан эҳтиёт шарт суғурталаш” 2-класси қоидалари асосида ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикасидан/доимий яшаш мамлакатидан/Суғурталанган шахс фуқароси бўлган мамлакатдан/Суғурталанган шахсга яшаш гувоҳномасини берган мамлакатдан ташқарига (бундан буён матнда - хорижга) чиқиб кетаётган саёҳатчиларни (суғурталанган шахсларни) суғурталаш тартиби ва шартларини белгилайди.
3. Мазкур Қоида асосида, Суғурталовчи суғурталанган шахсларга суғурта ҳимоясини таъминлайди, ушбу қоидаларда назарда тутилган суғурта ҳодисаси - бахтсиз ҳодиса ва/ёки тўсатдан касаллик натижасида тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа турдаги харажатлари учун суғурта тўлови/қопламасини ташкил этиш ва/ёки амалга ошириш, шунингдек суғурта даврида ҳамда полисининг амал қилиш ҳудудида бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахсининг вафот этиши ҳолларида суғурта тўлови/қопламаси тўлаш тарзида суғурта ҳимоясини тақдим этади.

2. БЎЛИМ. АСОСИЙ ТУШУНЧАЛАР

Ушбу Қоидада фойдаланиладиган асосий атамалар:

1. **Суғурта полиси (E-polis)** – Ягона автоматлаштирилган ахборот тизими томонидан реал вақт режимида шакллантирилган серия, рақамига эга бўлган суғурта қилиш амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат.
2. **Суғурта суммаси** – Суғурта полисида кўрсатилган, Суғурталовчининг ҳар бир Суғурталанган шахсга нисбатан суғурта товони/суғурта тўловини амалга ошириш бўйича энг юқори мажбуриятлари ҳажмини ифодаловчи пул маблағлари миқдори. Ушбу суғурта шартномасида Суғурта дастурига кирувчи ҳар бир хизмат, шунингдек Суғурта қилдирувчининг вафотида олиб келган бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш бўйича суғурта миқдорлари белгиланган.
3. **Суғурта мукофоти** – Суғурта қилдирувчи ушбу Қоидада белгиланган тартиб ва муддатда суғурта учун Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган тўлов.
4. **Суғурта таваккалчилиги** – тахмин қилинган воқеа бўлиб, ана шу воқеа юз беришидан эҳтиёт шарт суғурта қилиш амалга оширилади. Мазкур Қоида шартларига мувофиқ қуйидагилар суғурта таваккалчилиги деб эътироф этилади:
 - Суғурталанган шахсининг тўсатдан касалланиши ёки бахтсиз ҳодисага учраши билан боғлиқ тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар бўйича харажатларнинг вужудга келиши;
 - бахтсиз ҳодиса натижасида Суғурталанган шахсининг вафот этиши.
5. **Суғурта воқеаси** – суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлган воқеа.
6. **Суғурта ҳодисаси** – суғурта таваккалчилигининг юзага келиши билан боғлиқ бўлган, Суғурталанган шахс билан суғурта даврида ва Суғурта полиси амал қилиш ҳудудида содир бўлган воқеа бўлиб, унинг натижасида Суғурталовчининг ушбу Қоида шартларига мувофиқ суғурта тўлови/қопламасини амалга ошириш мажбурияти вужудга келади.
7. **Муассаса** – Суғурталанган шахсга хизматлар кўрсатиладиган тиббий ёки бошқа муассаса (аптека, диагностик марказ ва ҳ.к.).
8. **Суғурта тўлови** – суғурта ҳодисаси юзага келиши билан боғлиқ бўлган, Суғурталанган шахсга муассасалар кўрсатган хизматлар учун Суғурталовчи томонидан суғурта суммаси доирасида ва ушбу Қоидада белгиланган тартибда тўланадиган пул маблағлари.
9. **Суғурта полисининг амал қилиш муддати** – Суғурта полисида кўрсатилган вақт бўлиб, унинг давомида суғурта амал қилади.
10. **Суғурта даври** – Суғурталовчининг полисида кўрсатилган, суғурта тўловини амалга ошириш бўйича мажбуриятларнинг амал қилувчи кунлари сони.

2.10. Саёҳат – Суғурталанган шахснинг аниқ бир муддатдаги хорижга сафари. (кунлар ҳисобида)

1. **Хизматлар** – суғурта дастурида назарда тутилган, суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурталанган шахсга кўрсатиладиган тиббий, тиббий-транспорт ва бошқа хизматлар.
2. **Ассистанс** – Суғурталовчи билан тузилган шартномага асосан фаолият юритувчи юридик ёки жисмоний шахс, шартнома доирасида суғурта ҳодисалари бўйича мурожаатларни кеча-кундуз қабул қилади, Суғурталанган

шахсга рўй берган суғурта ҳодисаси бўйича керакли хизматларни олишда ва молиявий кўмак беришда хизмат кўрсатади.

Ассистанс Суғурталанган шахсга кўрсатиладиган хизматларнинг сифати ва ҳажмини назорат қилиш, шунингдек Суғурталовчи номидан ва топшириғига кўра хорижда Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга суғурта ҳодисаси рўй берганда унинг харажатларини қоплаш ҳуқуқига эга.

1. **Тўсатдан касалланиш** – сурункали касалликнинг ва/ёки саёҳат бошланишидан аввал мавжуд бўлган касалликнинг оқибати бўлмаган, даволаниш ёки даволанмаслик амалга оширилганлигидан қатъий назар, кечиктириб бўлмайдиган ёрдамни талаб қилувчи ва ушбу Қоидада истисно сифатида белгиланмаган, суғурта даврида ва Суғурта полиси амал қилиш ҳудудида қўтилмаганда вужудга келган касаллик.
2. **Кечиктириб бўлмайдиган ёрдам** – тиббий ёрдам бўлиб, у кўрсатилмаган ҳолатда Суғурталанган шахс ҳаётининг ҳавф остида қолиши.
3. **Кечиктириб бўлмайдиган стоматологик ёрдам** – стоматологик тиббий ёрдам, тишнинг ва тишни ўраб турган тўқималарнинг ўткир яллиғланиши, шунингдек бахтсиз ҳодиса натижасида тиш шикастланишида оғриқни олиш воситалари ва бирламчи муолажалар (рентген, дори-дармонлар, вақтинчалик пломба ёки тиш олдириш) билан чекланади.
4. **Сурункали касаллик** – киши организмнинг аъзолари ва тизимларини шикастланиши билан узоқ вақт кечувчи, зўрайиш ва заифлашув давлари билан тавсифланувчи касаллик.
5. **Сурункали касалликнинг зўрайиши** – сурункали касалликнинг характерли белгиларининг намоён бўлиши, шу жумладан шошилиш ёрдамга зарурат бўлган белгилар.
6. **Бахтсиз ҳодиса** – Суғурталанган шахс эркига боғлиқ бўлмаган тасодифан юз берувчи қисқа муддатли ҳодиса бўлиб, киши организмга ташқи таъсир кўрсатади ва травматик (жароҳатли) шикастларни келтириб чиқаради; куйиш, портлаш, чакмоқ уриши, электр токи таъсири натижасида тана шикастланиши; озуқа ёки кимёвий (саноат ёки маиший) моддалар билан заҳарланиш ва/ёки заҳарли ва/ёки куйдирувчи моддалар, буғлар ёки газлар билан нафас олганда ёки тегиб кетганда вужудга келган куйишлар; совуқ уриш, чўкиш, ёвуз ниятли одамлар ёки ҳайвонларнинг тажовузи, ҳашаротларнинг ва судралиб юрувчиларнинг чақиши, нафас олиш йўлига ёт жисмларнинг беҳосдан тушиши; заҳарли ўсимликлар билан беҳосдан заҳарланиш ва /ёки вафот этиш.
7. **Тиббий эвакуация** – Суғурталанган шахсни бир жойдан бошқа жойга заруратга қараб тиббий ходим ҳамроҳлигида ҳар қандай мумкин бўлган ва мос транспорт воситаси ёрдамида етказиш учун зарурий чора-тадбирлар мажмуаси. Тиббий эвакуация фақат тиббий қарши кўрсатмалар мавжуд бўлмаганда ва шифокор рухсати билан амалга оширилади.
8. **Репатриация** – Суғурталанган шахс жасадини ҳар қандай мумкин бўлган ва мос транспорт воситаси ёрдамида доимий яшаш мамлақати аэропортигача етказиш учун зарурий чора-тадбирлар мажмуаси. Қариндошлар илтимоси бўйича репатриация Ўзбекистон Республикасидан бошқа яшаш мамлақатига, Суғурталовчи Ўзбекистон Республикасигача репатриация қилиш учун тўлаши зарур бўлган суғурта товони миқдоридан ошмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин. Репатриация шартлари Суғурталовчи томонидан Қоидалар асосида тартибга солинади.
9. **Рецепт** – шифокорнинг дори воситаларини қабул қилиш ва/ёки тиббий препаратларни қўллаш бўйича ёзма кўрсатмаси.
10. **Жисмоний иш** – асосий юкломани скелет мушакларига туширувчи ва инсоннинг таянч-ҳаракат аппаратини ҳаракатлантирувчи ишлар тури.
11. **Мурожаат** – Суғурта қилдирувчининг ёки Суғурта бадалини олишга ҳақли бўлган бошқа шахснинг, Суғурталовчига Суғурта ҳодисаси натижасида рўй берган зарарга таъсир кўрсатувчи сабаблар ва ҳолатлар кўрсатилган ёзма мурожаати.

1. БЎЛИМ. СУҒУРТА СУБЪЕКТЛАРИ ВА ОБЪЕКТИ

1. Мазкур Қоида бўйича суғурта муносабатларининг субъектлари Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ёки Наф олувчи ҳисобланади.
2. Мазкур Қоидада кўра, муомалага лаёқатига эга бўлган ва ихтиёрий равишда Суғурталовчи билан шартномавий муносабатга кирган, ҳамда Қоидада кўрсатилган тартиб ва шартларда суғурта мукофотини тўлаб берадиган жисмоний ва юридик шахслар - Ўзбекистон Республикаси резиденти ёки норезиденти Суғурта қилдирувчи ҳисобланади.
3. Суғурта шартномаси лаёқатли жисмоний шахс манфаатида тузилган бўлса, ушбу шахс Суғурталанган шахс ҳисобланади.
4. Наф олувчи- суғурталанган шахс вафот этган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ суғурта таъминотини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс.
5. Мазкур Қоидада кўра, суғурта объекти суғурталанган шахснинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлган Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига зид бўлмаган мулкий манфаатлари ҳисобланади.

1. БЎЛИМ. СУҒУРТА ДАВРИ

1. Суғурта даври Суғурталанган шахснинг хорижда бўлиш муддатига мос, бироқ бир йил муддатдан кўп бўлмаган даврда белгиланади.
2. Суғурта даври Суғурта полисида Суғурта полисининг амал қилиш санаси деб кўрсатилган куннинг 00:00:00 соатида, лекин Суғурталанган шахснинг Суғурта полиси амал қилиш ҳудуди чегарасини босиб ўтишдан аввал бўлмаган (паспортда чегара хизматларининг қабул қилувчи мамлакатга кириб келиш тўғрисидаги белгиси) вақтда бошланади.

1. Суғурта даври Суғурталанган шахснинг Суғурта полиси амал қилиш ҳудуди чегарасини босиб ўтгандан (паспортда чегара хизматларининг қабул қилувчи мамлакатдан чиқиб кетиш тўғрисидаги белгиси) сўнг, лекин Суғурта полисида Суғурта полисининг амал қилиш муддати тугаши сифатида кўрсатилган куннинг 23:59:59 соатидан кеч бўлмаган вақтда тугайди.
2. Агар Суғурталанган шахснинг тегишли тиббий хулоса билан тасдиқланган суғурта ходисаси сабабли шифохонага ётқизилиши билан боғлиқ равишда суғурта даври тугайдиган кунда хориждан қайтиш имконияти бўлмаса, Суғурталовчи ушбу суғурта шартномасида назарда тутилган ўз мажбуриятларини суғурта миқдори чегарасида бажаришни давом эттиради.
3. «Шенген келишуви» мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кунгача муддатга Суғурта полисини расмийлаштирганда, Суғурта полисининг амал қилиш муддатида кўрсатилган саёҳат кунлари сонига қўшимча 15 (ўн беш) кун қўшилади.
4. Агар Суғурта полиси, Суғурта полисининг амал қилиш муддатида Суғурталанган шахснинг хорижга саёҳатлари сонидан қатъий назар, унинг кўп марталик саёҳатини назарда тутса, суғурта даври танланган кўп марталик саёҳатлар режаси («Multi» режа)га қуйидагича боғлиқ бўлади:

Режа номи	Суғурта полисининг амал қилиш муддати	Суғурта даври
a) Multi I	92 кунгача	30 кундан ортиқ эмас
b) Multi II	183 кунгача	90 кундан ортиқ эмас
b) Multi III	365 кунгача	90 кундан ортиқ эмас
г) Multi IV	365 кунгача	180 кундан ортиқ эмас
i) Student	365 кунгача	365 кунгача
f) Work	365 кунгача	365 кунгача

1. БЎЛИМ. СУЎРТА ҚИЛИШ ДАСТУРИ ВА СУЎРТА ПОЛИСИНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ ҲУДУДИ

1. Суғурта дастури – ушбу Қоида доирасида Суғурталанган шахсга тақдим қилиниши мумкин бўлган суғурта суммаларига эга хизматлар тўплами.
2. Суғурталовчи, суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда танланадиган қуйидаги Суғурта қилиш дастурларидан бири бўйича мажбуриятларни қабул қилади. Суғурта қилдирувчи томонидан танланган Дастур Суғурта полисида кўрсатилади:

Барча суғурта суммалари Еврода кўрсатилган.

Суғурта дастурлари		BASIC	OPTIMAL		LUXURY	
Суғурта суммаси:		30 000,00	60 000,00	63 000,00	100 000,00	105 000,00
№	Хизматлар рўйхати	Ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммалари				
1	Tibbiy xizmatlar bo'yicha limit, shu jumladan	15 000,00	30 000	30 000	50 000	50 000
1,1	Stomatologiya xizmatlari	500,00	500	500	1 000	1 000
1,2	SARS CoV (COVID 19) holatida yordam ko'rsatish	yo'q	yo'q	3 000	yo'q	5 000
2	Tibbiy-transport xizmatlari bo'yicha limit, shu jumladan:	12 000,00	23 000	23 000	36 000	36 000
2,1	Sug'urtalangan shaxsning tibbiy evakuatsiyasi	2 000,00	4 000	4 000	8 000	8 000
2,2	Sug'urtalangan shaxsning yo'l haqqi	1 000,00	2 000	2 000	4 000	4 000
2,3	Voyaga yetmagan bolalarning yo'l haqqi	500,00	1 000	1 000	2 000	2 000
2,4	Kuzatuvchi shaxsning yo'l haqqi	500,00	1 000	1 000	2 000	2 000

2,5	Repatriatsiya	8 000,00	15 000	15 000	20 000	20 000
3	Boshqa xizmatlar uchun limit, shu jumladan	2 500	5 000	5 000	10 000	10 000
3,1	Izlash-qutqaruv chora-tadbirlari	1 500	3 000	3 000	5 000	5 000
3,2	Vaqtincha bo'lgan davlatida dafn etish	1 000	2 000	2 000	5 000	5 000
4	Kompensatsiya bo'yicha limit	500	2 000	2 000	4 000	4 000

1. Суғурта полисининг амал қилиш ҳудуди Суғурталанган шахсининг бўлиш мамлакати ёки мамлакатларини англатади ва қуйидаги ҳудудий бўлинмалар бўйича танланган, Суғурта қилиш дастурига қараб аниқланади:

«BASIC» – Европа, «Шенген келишуви» мамлакатлари (шу жумладан, Буюк Британия), Шимолий ва Жанубий Америкадан ташқари барча мамлакатлар ҳудудида амал қилади;

«OPTIMAL» – Шимолий, Жанубий ва Ўрта Америкадан ташқари барча мамлакатлар ҳудудида амал қилади;

«LUXURY» – дунёнинг барча мамлакатлари ҳудудида амал қилади;

1. Суғурта полисининг амал қилиши етиб бориш қийинлиги жиҳатдан Шимолий ёки Жанубий қутб билан таққосланувчи ва уларга фақат махсус транспорт ёки асбоб-ускуналардан, ёрдамчи воситалардан фойдаланган ҳолда ва экспедиция таркибида бориш мумкин бўлган мамлакатларга татбиқ этилмайди.

1. БЎЛИМ. СУЎРТА СУММАСИ ВА СУЎРТА МУКОФОТИ

1. Суғурта суммаси Суғурта қилдирувчи томонидан танланган Суғурта дастурига боғлиқ равишда тарафлар келишуви билан белгиланади ва полисга киритилади.
2. Суғурта мукофоти мазкур Қонданин 1-иловасида келтирилган суғурта тарифларига мувофиқ ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда суғурта давридан ва танланган Суғурта дастуридан келиб чиқиб автоматик равишда ҳисобланади. Суғурта мукофотининг миқдори Суғурта полисида кўрсатилади.
3. Суғурталовчи суғурта мукофотини аниқлашда Суғурталанган шахсларнинг ёши ва сони, сафарнинг мақсади, фаолият соҳаси, шунингдек суғурта ҳодисасини рўй бериш хатари даражасига таъсир этувчи бошқа омилларга қараб базавий суғурта қилиш тарифларда оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентларни белгилайди.
4. «Шенген келишуви» мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кунгача муддатга расмийлаштирилган Суғурта полиси бўйича суғурта миқдорининг ҳажмини аниқлашда Суғурта полисининг амал қилиш муддатига қўшимча киритилган 15 (ўн беш) кун ҳисобга олинмайди.
5. Суғурта мукофоти Суғурталовчи томонидан ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда автоматик равишда ҳисобланади. Суғурта қилдирувчининг ушбу суғурта шартномаси (суғурта полиси) бўйича тўланиши зарур бўлган суғурта мукофоти миқдorigа розилиги Суғурта мукофотини тўлаш ҳолати бўлиб саналади.
6. Суғурта мукофоти Ўзбекистон республикаси миллий валютаси-Сўмда кўрсатилади, ҳамда Суғурта қилдирувчи томонидан бутун суғурта даврига, бир йўла амалга ошириладиган тўлов билан тўланади.

7. Суғурта мукофоти Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси (суғурта полиси) муддатдан аввал тугатилганда, ушбу Қоиданинг 14-бандида кўрсатилган ҳолатлардан ташқари Суғурталовчи томонидан қайтарилмайди.

1. БЎЛИМ. СУЎУРТА ШАРТНОМАСИНИ ТЎЗИШ ВА КУЧГА КИРИШ ТАРТИБИ

1. Суғурта шартномаси Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахсга суғурта хизматларини сотиш ва кўрсатиш шартларини белгилувчи электрон ҳужжат саналади.
2. Суғурта шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этилган маълумотлар асосида шаклланади.
3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг мажбурий майдонларини мустақил ва аризада кўрсатилган асл ҳужжатларнинг маълумотларига қатъий мувофиқ равишда тўлдиради.
4. Суғурта қилдирувчи тақдим этилган ҳужжатларнинг ҳаққонийлиги ва асл нусхаларга мослиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига мос келмаганда, суғурта ходисаси рўй берганда, Суғурталовчи суғурта бадалини тўлашдан бош тортиш ҳуқуқига эгаллигига розилик билдиради.
5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатлар маълумотлари автоматик равишда суғурта шартномасига (Суғурта полисига) киритилади.
6. Суғурта шартномасининг томонлари Суғурталовчи томонидан ўз электрон почтасида Суғурта полисини олиши Суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тегишли равишда имзолаш бўлиб ҳисобланишини тасдиқлайдилар.
7. Томонлар Суғурта полисини Суғурталовчи томонидан аризада кўрсатилган электрон почта манзилига узатиш Суғурталовчига суғурта шартномасини (Суғурта полисини) тегишли равишда топшириш бўлиб ҳисобланишига ўз розилигини тасдиқлайдилар.

1. БЎЛИМ. СУЎУРТА ТЎЛОВИ ВА ҚОПЛАМАСИ

1. Ушбу Қоидада назарда тутилган Суғурта ходисаси рўй берганда Суғурта қилиш дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммаси чегарасидаги тўловлар қуйидаги хизматлар учун харажатлар амалга оширилади:
 1. муассасада амбулатор ва стационар (фақат кечиктириб бўлмайдиган амалиётлар) даволаниш учун, шу жумладан Суғурта қилдирувчи шахсни доимий яшаш жойигача тиббий эвакуациясини амалга ошириш мумкин бўлган ва/ёки муассасадан чиқарилган вақтгача тиббий хизматларга (маслаҳатларга), шифокор кўрсатмаси асосидаги диагностик ва лаборатория текширувларига, шифокор буюрган дори-дармонларга (рецепт бўйича), боғлов воситалари ва фиксация воситаларига (гипс, бандаж) харажатлар;
 2. Суғурталанган шахснинг ҳомиладорлигини оғирлашиши/мажбурий тўхтатилиши ҳолатида кечиктириб бўлмайдиган ёрдам учун, ҳомиладорлик даври 32 (ўттиз икки) ҳафтадан ошмаслик, шунингдек ушбу ҳолат бахтсиз ҳодиса туфайли вужудга келганлиги шarti билан 700 (етти юз) Еврогача миқдорда;
 3. танланган Суғурта қилиш дастурида кўрсатилган суғурта миқдори чегарасида кечиктириб бўлмайдиган стоматологик ёрдам учун;
 4. Суғурталанган шахсни ҳодиса рўй берган жойдан энг яқин муассасага ёки энг яқин шифокорга, ёхуд бир муассасадан бошқасига (вақтинчалик яшаш мамлакати чегарасида), ёхуд доимий яшаш мамлакатигача тиббий эвакуация учун. Бунда тиббий эвакуациянинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарор фақат Суғурталовчининг ваколатли шифокорлари томонидан, кечиктириб бўлмайдиган ёрдам зарурлиги шarti билан қабул қилинади. Тиббий эвакуация учинчи шахс томонидан Суғурталовчи билан келишилмаган ҳолда ташкиллаштирилганда, Суғурталовчи харажатларни Суғурталовчи томонидан Ассистанс хизмати ёрдамида тиббий эвакуацияни амалга ошира олиши мумкин бўлган энг кам миқдор чегарасида тўлайди (суғурта дастурида белгиланган максимал миқдордан ошмаган ҳолда);
 5. Суғурталанган шахсни тиббий эвакуация мобайнида кузатувчи шахсни транспортда ташиш учун, агар бундай кузатув даволувчи шифокор кўрсатмаси бўйича зарур бўлса;
 6. суғурта таваккалчилиги рўй бериши натижасида Суғурталанган шахсни шифохонага ётқизилиши сабабли, у харид қилган чипталардан фойдаланиш имконияти йўқотилган бўлса, Суғурталанган

шахсни доимий яшаш мамлакатига қайтиши учун. Суғурталовчи аввал харид қилинган чипталарнинг қийматини Суғурталанган шахсга компенсация қилиб бермайди.

7. Суғурталанган шахснинг вояга етмаган фарзандлари Суғурталанган шахс билан рўй берган суғурта ҳодисаси туфайли қаровсиз қолган бўлса, Суғурталанган шахснинг вояга етмаган фарзандларини доимий яшаш мамлакатига етказиш, шунингдек юқорида кўрсатилган вазият туфайли Суғурталанган шахснинг вояга етмаган фарзандлари қайтиб келганда уларга зарур бўлган кузатувчи шахсни транспортда ташиш харажатлари (суғурта дастурида белгиланган максимал миқдордан ошмаган ҳолда);
8. Суғурталанган шахсни кидириш ва қутқариш учун зарурий чора-тадбирларни ташкиллаштириш ва амалга ошириш учун харажатлар;
9. Суғурта полисининг амал қилиш ҳудудида Суғурталанган шахсни дафн этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни, диний маросимларга оид хизматлардан ташқари, амалга ошириш;
10. Суғурталанган шахсни доимий яшаш мамлакатига диний маросимларга оид ва дафн этиш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга оширишдан ташқари репатриация қилиш учун. Агар репатриацияни учинчи шахс Суғурталовчи билан келишилмаган ҳолда ташкиллаштиради, Суғурталовчи харажатларни Ассистанс хизмати ёрдамида репатриацияни амалга ошириш мумкин бўлган энг кам миқдорида тўлайди (суғурта дастурида белгиланган миқдордан ошмаган ҳолда);
2. Суғурталовчи хирургик амалиётлар учун тиббий харажатларни фақат ушбу муолажа кечиктириб бўлмас чора ва Суғурталанган шахснинг тиббий эвакуациясини ташкиллаштиришдан сўнг доимий яшаш мамлакатига амалга ошириш мумкин бўлмаганда тўлайди, яъни тўлов фақат амалиётнинг дарҳол қилинмаслиги Суғурталанган шахснинг ҳаётига хавф соладиган ёки унинг соғлиғига жиддий зарар етказадиган ҳолларда амалга оширилади.
3. Суғурталовчи дори-дармонларни харид қилиш харажатларини фақат шифокор томонидан берилган рецепт бўйича харид қилинган ҳолатда тўлайди.

8.4 Суғурталовчи, Ассистанс хизматининг ҳамкорлик тўғрисидаги шартномалари мавжуд бўлмаган Туркия ва Мисрнинг тиббий марказлари, клиникалари ва хусусий шифокорлари томонидан кўрсатилган тиббий хизматлар учун харажатларни, Ассистанс хизмати ёрдамида олинган хизматларни тўлаб бериши мумкин бўлган миқдордагина тўлаб бериш ҳуқуқига эга (суғурта дастурида белгиланган максимал миқдордан ошмаган ҳолда).

1. Суғурталовчининг Суғурта пулини тўлаш бўйича мажбуриятлари суғурта даври мобайнида ва Суғурта полисининг амал қилиш ҳудудида юз берган суғурта ҳодисаларига нисбатан амал қилади.
2. Суғурталовчи Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат учун, шунингдек Суғурталанган шахснинг вафотига олиб келган бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш учун суғурта миқдори чегарасида суғурта пулини тўлаш бўйича мажбуриятларга эга.

1. БЎЛИМ. СУҒУРТАЛАНГАН ШАХС ВАФОТ ЭТГАНДА ТЎЛАНДИГАН СУҒУРТА ТЎЛОВИ

1. Бахтсиз ҳодисадан суғурта қилиш бўйича Суғурталовчи қуйидаги ҳолларда Наф олувчига Суғурталаш дастурида кўрсатилган суғурта миқдорининг тўлиқ ҳажмида суғурта пулини тўлайди:
 1. Саёҳат мобайнида суғурта даврида ва Суғурта полисининг амал қилиш ҳудудида рўй берган бахтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида Суғурталанган шахснинг вафот этганда;
 2. Суғурта даврида ва Суғурта полисининг амал қилиш ҳудудида рўй берган бахтсиз ҳодисанинг бевосита натижасида, Суғурталанган шахснинг бахтсиз ҳодиса содир бўлган вақтдан бошлаб бир йил ичида вафот этиши.

2. БЎЛИМ. СПОРТНИ СУҒУРТАЛАШ ШАРТЛАРИ

1. Ушбу Қоида билан Суғурталанган шахснинг фаол дам олишни ўтказиш чоғида вужудга келган харажатлари автоматик равишда қопланади. Бунда фаол дам олиш деганда суғурта шартномаси доирасида саёҳатда бўш вақтни спорт ўйин-кулгиларида иштирок этиш ва фаол машғулотлар билан шуғулланиш (исталган турдаги мусобақаларга тайёргарлик кўриш ва иштирок этишдан ташқари) билан ўтказиш усули тушунилади.
2. Суғурталанган шахснинг профессионал спорт, шу жумладан, мусобақалар ва машғулотлар, тоғ чанғисида ва сноубордда ўқишга мўлжалланган махсус жиҳозланган трассаларда ўқиш, шунингдек квадроцикллар, мотороллерлар, мопедлар, скутерлар, сув скутерларини миниб юриш чоғида юзага келган харажатлари, мазкур Қоиданинг «Махсус шартлар» бўлимида «Спорт» белгисининг мавжудлиги ва оширувчи коэффициентни қўллаш билан суғурта мукофотини тўлаш шарти билан қопланади.

Профессионал спорт деганда ушбу суғурта шартномаси доирасида спортчи учун асосий фаолият тури саналган, спорт мусобақаларида иштирок этиш мақсадида тайёргарлик кўриш ва иштирок этиш учун шартномага мувофиқ иш ҳақи ёки бошқа пул мукофоти оладиган спорт тан олинади.

1. Суғурталанган шахснинг тоғ чанғисида ва сноубордда учишга мўлжалланган махсус жиҳозланган трассалардан ташқарида учиш, сув остида сузиш ёки 30 (ўттиз) метрдан ортиқ чуқурликка шўнғиш, шунингдек ушбу

спорт турлари билан Шимолий Муз океанида ва унга туташган денгизларда шуғулланиш, регби, сёрфинг, алпинизм, спелеология, хелиборд, мотоспорт, даунхилл, кайтборд, учиш қурилмаларида парвоз қилиш, парашютда сакраш, бобслей, планеризм, дельтапланеризм, парапланеризм, парашютизм, автоспорт, бокс, кикбоксинг, тай бокс, қоидаларсиз жанг, ҳаво шарида парвоз қилиш (йўловчи сифатида эмас), виндсерфинг, баландликдан сакраш, акробатик элементлар билан боғлиқ ёки уларсиз ҳаракатларни қўллаш, ёки тўсиқларни енгиш билан боғлиқ спорт турлари (кейинги матнда – махсус спорт турлари) билан шуғулланиш натижасида юзага келган харажатлари ушбу Қоида билан қопланмайди. 10.1 ва 10.2 бандларда қайд этилган жисмоний фаолликдан ҳеч бўлмаса биттасига баландликдан сакраш, акробатик элементлар киритилган бўлса, ушбу фаоллик махсус спорт турларига тенглаштирилади ва ушбу Қоида билан қопланмайди.

1. БЎЛИМ. ИСТИСНОЛАР

1. Суғурта ҳодисаси белгиларига эга бўлиб, лекин қуйидаги ҳар қандай омиллардан бирининг бевосита натижасида юзага келган ҳодиса рўй берганда суғурта тўлови/қопламаси амалга оширилмайди:
 1. бевосита тиббий қарши кўрсатмалар мавжудлигига қарамай саёҳат қилган Суғурталанган шахс соғлигининг ёмонлашуви ёки вафоти билан боғлиқ бўлган харажатлар;
 2. бахтсиз ҳодиса рўй берганда Суғурталанган шахснинг организмида наркотик ёки психотроп моддаларнинг мавжудлиги тасдиқланса, ёки шифокор томонидан кўрсатилмаган дори-дармонлардан фойдаланганлиги тасдиқланса, ушбу ҳолат рўй берган воқеага тааллуқли бўлган тиббий хулосаларда/рапортларда акс этган бўлиши, гувоҳлар кўрсатмаларида ва бошқа ҳужжатларда қайд қилиниши мумкин.
 3. руҳий касалликлар ва ҳолатлар, эпилепсия (бирламчи ва симптоматик), неврозлар (ваҳимали ҳужумлар, депрессиялар, истерик синдромлар ва ҳ.к.), шунингдек марказий асаб тизими касалликлари;
 4. ҳомиладорлик (ушбу суғурта шарномасининг 8.1.2. бандида назарда тутилган ҳолатдан ташқари), туғиш ва/ёки аборт билан бевосита боғлиқ исталган ҳодисалар/оқибатлар, шунингдек оилани режалаштириш ва бепуштлиқни даволаш билан боғлиқ хизматлар учун харажатлар;
 5. жинсий йўл билан юқадиган касалликлар ва уларнинг оқибатлари, таносил касалликлари, ОИТС ва ВИЧ-инфекция келтириб чиқарадиган барча касалликлар;
 6. Суғурталанган шахсга маълум бўлиш ёки бўлмаслигидан қатъий назар, онкологик касалликлар, янги ўсмалар (зарарли ва безарар);
 7. тиббий нуқтани назардан зарурий саналмаган, ёки шифокор томонидан буюрилмаган хизматларни кўрсатиш, шунингдек кечиктириб бўлмайдиган деб ҳисобланмайдиган жарроҳлик амалиётлари;
 8. реабилитация чора-тадбирлари учун харажатлар;
 9. аъзоларни қўчириб ўтказиш учун харажатлар;
 10. Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисаси туфайли мурожаат этиши натижасида олинган даволовчи шифокор кўрсатмаларини бажаришдан ихтиёрий бош тортиш натижасида юзага келган харажатлар;
 11. исталган касалликларнинг олдини олиш тадбири, эмлаш, дезинфекция қилиш, санаторий–курорт даволаниши, тикловчи ва соғломлаштирувчи даволаниш, гелиотерапия, сув билан даволаниш, физиотерапия, мануал терапия, исталган турдаги массаж ва ҳ.к.;
 12. ташхис қўймасдан ноанъанавий тиббиёт усуллари билан даволаниш ёки қўйилган ташхисга мос келмайдиган даволаниш;
 13. косметик/пластик жарроҳлик, ташқи кўриниш ёки тана аномалияларини бартараф этиш билан боғлиқ даволаниш, шунингдек исталган турдаги протез қилиш, шу жумладан тиш ва кўзни протез қилиш;
 14. Суғурталанган шахснинг ирсий ва/ёки туғма касалликлари, аъзолар аномалиялари ва ривожланиш нуқсонлари ҳамда уларнинг асоратларининг зўрайиши ёки ёмонлашуви натижасида юзага келган харажатлар;
 15. сурункали касалликлар ва/ёки уларнинг зўрайиши ва ёмонлашиши ва/ёки уларни намоён бўлишининг бошқа шакллари ва кўринишлари;

16. мураккаб ва/ёки шифохонада узоқ вақт даволашни, шу жумладан кардиожарроҳлик амалиёти билан даволашни (ангиография, ангиопластика, шунтлашни ўз ичига олган ҳолда), шунингдек аввал бошдан ўтказган қон айланиш тизими касалликлари ва жарроҳлик амалиётлари натижасида вужудга келган илк ва кечки асоратларни даволашни талаб қилувчи қон айланиш тизими касалликлари (артериал қон босим кўтарилиши ва пасайишидан ташқари);
17. узоқ вақт давомида ва/ёки бошқа касалликларнинг мавжудлиги сабабли пайдо бўладиган, мураккаб ва/ёки шифохонада узоқ вақт даволашни талаб қиладиган касалликлар (инфаркт, инсульт, қандли диабет, буйрак етишмовчилиги, сил, жигар циррози, вирусли гепатитлар, исталган турдаги аневризмлар, эндокрин касалликлар ва ҳ.к.).

Юқорида қайд этилган касалликлар илк аниқланган ҳолатда, Суғурталовчи 700 (етти юз) Еврогача

хизматларни ташкиллаштиради ва/ёки Суғурталанган шахснинг харажатларини тўлайди;

1. касб касалликлари, даволаш учун саёҳат уюштирилган касалликлар;
 2. кўриш қобилиятини яхшилаш учун асбобларни (кўзойнак ва гардишлар, линзалар, лупалар ва ҳ.к.) тақдим этиш, шунингдек бошқа ёрдамчи воситалар (протезлар, ҳассалар, аравачалар ва ҳ.к.);
 3. дармондорилар, озуқавий кўшимчалар, озуқа бойитувчилар, ўсимлик маҳсулотлари, гомеопатик воситаларни харид қилиш;
 4. Суғурталанган шахснинг ўта хавfli ва тропик касалликлар: ўлат, вабо, чечак, сарик безгак, геморрагик иситма, куйдирги, тепкили терлама ва ҳ.к. билан боғлиқ харажатлари;
1. моторли транспорт воситаларини бошқариш юзага келган ҳодисалар, (квадроцикл, мотороллер, мопед, скутер, сув скутери, автомобилни бошқариш ва/ёки моторли транспорт воситаларида йўловчи сифатида юриш бундан мустасно);
 2. Суғурталанган шахснинг доимий яшаш мамлакатига қайтганидан сўнг, шунингдек суғурта қилиш даври тугагандан сўнг даволаниш харажатлари.
1. Суғурталанган шахс билан қуйидаги ҳолларда юз берган ҳодиса суғурта ҳодисаси деб саналмайди ва Суғурталовчи харажатларни тўламайди:
 1. ўз-ўзини ўлдиришга уриниш ёки ўз-ўзини ўлдириш;
 2. бирорта ҳарбий тузилмада ўз хизмат мажбуриятларини ўташ вақтида;
 3. жисмоний иш бажараётганда, агар ушбу суғурта шартномасида “Махсус шартлар” бўлимида “Иш” белгиси кўрсатилмаган бўлса;
 2. Суғурталовчи қуйидагилар асосида бевосита ёки билвосита юзага келган харажатларни тўламайди:
 1. террористик акт (якка тартибда ёки бирорта ташкилот ёки ҳукумат билан боғлиқ равишда ёки унинг номидан фаолият юритувчи исталган шахс ёки шахслар гуруҳи томонидан сиёсий, диний, мафкуравий ёки этник қарашлардан келиб чиқиб ва ҳукуматга ёки жамиятга ёҳуд унинг бирорта қисмига таъсир кўрсатиш ниятида бажариладиган куч ва зўравонлик ёки таҳдидни қўллаш билан намоён бўлувчи акт), шу жумладан террористик актни олдини олиш бўйича чора-тадбирлар натижасида келиб чиққан зарар қопланмайди;
 2. уруш акти, чет эллик душманнинг бостириб кириши, ҳарбий ҳаракатлар (уруш эълон қилиш ёки қилинмаслигидан катъий назар), фуқаролик урушлари, қўзғолонлар, инқилоблар, исёнлар ва фуқаролик ғалаёнлари;
 3. Суғурталанган шахс билан унинг гаров ўйнаш ва жинойтларда, шунингдек уруш-жанжалда иштироки натижасида рўй берган бахтсиз ҳодисалар, ўз фуқаролик бурчини ёки ўз (ёки учинчи шахсларнинг) шахсий ҳаётини, соғлиғини, ор-номусини ва кадр-кимматини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳатти-ҳаракатлардан ташқари;
 4. Суғурталанган шахснинг транспорт воситасини алкоголь, наркотик, заҳарли ёки бошқа мастлик ҳолатида бошқариш ва /ёки транспорт воситасини бошқариш учун тегишли руҳсатномасиз/ҳуқуқсиз бошқариш, шунингдек Суғурталанган шахс томонидан юқоридаги ҳолатга тушган ва/ёки юқоридаги руҳсатномаси/ҳуқуқи бўлмаган шахсга транспорт воситасини бошқаришни топшириш натижасида Суғурталанган шахс билан рўй берган бахтсиз ҳодисалар;
 5. Суғурталанган шахснинг суғурта ҳодисасини содир бўлишига сабаб бўлган ноқонуний ҳаракатларни содир этиши;
 6. Суғурталанган шахснинг соғлиғи ҳолатига ёки унга тиббий хизматлар ва улар билан боғлиқ хизматларни кўрсатишга тегишли аввалдан ёлғон маълумотларга эга ҳужжатларни тақдим этиш;
 7. суғурта ҳодисасининг рўй бериши туфайли келиб чиққан зарарлар ҳажмини тасдиқловчи керакли ҳужжатларни тақдим этмаслик;

8. Суғурталовчи томонидан сўралган, мазкур Қонуннинг 12.7-12.8 бандларида сўз юритилган ҳужжатларни тақдим этмаслик;
9. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолларда.
3. Ушбу Қоида шартларига мувофиқ Суғурталовчи билвосита зарарлар, шу жумладан манъавий зарар, олинмаган фойда, пенялар, жарималар, неустойкалар ва бошқа молиявий жазоларни қопламайди ва улар бўйича жавобгарликдан озод этилади.

1. БЎЛИМ. СУГУРТА ДАЪВОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ

1. Суғурта ҳодисаси рўй берганда Суғурталанган шахс ёки унинг вакили Ассистант Хизматига Суғурта полисида кўрсатилган телефонлар ёки бошқа алоқа воситалари орқали мурожаат қилади ва имкониятга қараб операторга вазият тўғрисида қуйидаги маълумотларни беради:
 - Ёрдамга муҳтож Суғурталанган шахснинг фамилияси ва исми;
 - Суғурта полисининг рақами ва суғурта қилиш даври;
 - Суғурталовчининг номи;
 - Юз берган ҳодиса ҳолатларини изоҳлаш ва керакли ёрдамнинг тавсифи;
 - Жойлашган манзили ва қайта алоқага чиқиш учун телефон рақами.
1. Маълумотлар олингандан сўнг Ассистанс Хизмати Суғурталанган шахсга полисида кўрсатилган керакли хизматларни кўрсатишни ташкиллаштиради, шунингдек Суғурталанган шахснинг харажатларини ушбу суғурта шартномаси шартларига мувофиқ тўлайди.
2. Ассистанс хизматига шифокор маслаҳатини олишдан ёки шифохонага жўнатишдан олдин қўнғироқ қилиш имконияти мавжуд бўлмаганда, Суғурталанган шахс Ассистанс Хизматига биринчи имкон туғилиши билан қўнғироқ қилиши зарур. Ҳар қандай ҳолатда Суғурталанган шахс ҳисобларни/харажатларни тўлашдан олдин Ассистанс Хизматига ёки Суғурталовчига юз берган ҳодиса ҳақида хабар бериши ва тиббий ҳодимларига полисни тақдим этиши керак.
3. Ассистанс Хизмати билан боғланиш имконияти бўлмаганда, Суғурталанган шахс суғурта ҳодисаси билан боғлиқ харажатларни мустақил равишда тўлаши мумкин. Бунда Суғурталанган шахс Суғурталовчига рўй берган ҳодиса тўғрисида ёзма мурожаат қилади.

1. Ариза Суғурталовчига суғурта ҳодисаси рўй берган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар куни мобайнида, лекин Суғурталанган шахс саёҳатдан қайтган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кундан кеч бўлмаган вақтда тақдим этилади.
2. Суғурта ҳодисасига қараб, аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган бўлиши зарур:
 1. Саёҳатда Суғурталанган шахс тўсатдан касалликка учраганда ва/ёки бахтсиз ҳодиса рўй берганда: а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) Суғурталанган шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг (асл нусхасини албатта тақдим этган ҳолда) нусхаси;

в) муассасанинг керакли маълумотлар кўрсатилган ҳисоб-маълумотномаси (касалнинг фамилияси, ташхиси, хизматлар бўйича мурожаат санаси, даволаш давомийлиги ва ҳ.к.);

г) ушбу касаллик туфайли шифокор томонидан берилган рецептнинг асл нусхаси;

д) муассасанинг кўрсатилган хизматларнинг саналари, номлари ва қийматлари кўрсатилган ҳисобининг асл нусхаси;

е) хизматлар ҳақини тўлаш ҳолатини тасдиқловчи ҳужжатларнинг (тўлов тўғрисидаги штамп, пулни олиш тўғрисидаги ёзувнома ёки банк томонидан пул миқдори ўтказилганлигини тасдиқланиши ва ҳ.к.) асл нусхалари;

ж) муассасанинг Суғурталанган шахснинг организмида алкоголь, наркотик, заҳарли ёки бошқа маст қилувчи моддаларнинг йўқлигини тасдиқловчи хулосаси ёки бошқа ҳужжати - Суғурталанган шахс исталган турдаги транспорт воситасини бошқариши натижасида у билан бахтсиз ҳодиса рўй берганда;

1. Суғурталанган шахс саёҳатда бахтсиз ҳодиса туфайли вафот этганда: а) Полис ёки унинг нусхаси;

б) суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга Наф олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг (асл нусхасини албатта тақдим этган ҳолда) нусхаси;

в) бахтсиз ҳодиса шароитларини батафсил ёритиш ва имкони борича гувоҳларнинг исми-шарифи ва боғланиш маълумотларини бериш;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг (агар иш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кўриб чиқилган бўлса) бахтсиз ҳодиса юзасидан далолатномасининг (ҳодисанинг шароитлари ва сабабларини ёритувчи баённома ёки бошқа исталган ҳужжатнинг) асл нусхаси;

д) Суғурталанган шахснинг вафоти тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси ёки Суғурталанган шахснинг вафот этган ёки изсиз йўқолган (Суғурталанган шахс йўқолиб қолганда) деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарорининг асл нусхаси.

е) Суғурталанган шахснинг организмда наркотик ёки психотроп моддаларнинг мавжудлиги, ёки шифокор томонидан кўрсатилмаган дори-дармонлардан фойдаланиш қайд этилган экспертиза ва бошқа тиббий ҳулосалар.

1. Суғурталовчининг талабига кўра рус ва инглиз тилларидан бошқа чет тилида тузилган мазкур Қонданинг 12.6- бандида кўрсатилган ҳужжатлар Аризачи (Суғурта қилдирувчи/ Суғурталанган шахс/Наф олувчи) маблағлари ҳисобидан таржима қилиниши керак.
2. Заруратга кўра ва шароитларни, шунингдек зарар ҳажмини аниқлаш ҳамда суғурта тўловини амалга ошириш бўйича масалани тартибга солиш мақсадида Суғурталовчи мазкур Қонданинг 12.6- бандида кўрсатилмаган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
3. Зарур бўлганда Суғурталовчи тақдим этилган ҳужжатларни текширувдан ўтказиши, суғурта ҳодисаси шароитлари тўғрисидаги маълумотларга эга ташкилотлардан маълумотларни сўраб олиши, шунингдек Суғурталанган шахснинг тиббий текширувини ўтказиш ҳуқуқига эга.
4. Суғурта ҳодисасининг тавсифи ва шароитларига қараб, Суғурталовчи мазкур Қонданинг 12.7- банди талабларини ўзи бажарган ҳолда 12.6- бандда кўрсатилган ҳужжатлар/маълумотларнинг тўлиқ рўйхатини талаб қилмасдан, юз берган воқеани суғурта ҳодисаси деб тан олиш ёки тан олмаслик (ёки суғурта тўловини рад этиш) тўғрисидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.
5. Ҳар қандай ҳолатда суғурта ҳодисаси содир бўлгалигини, зарарлар миқдорини асослаш ва суғурта тўловини тўлаб бериш бўйича Суғурталовчининг жавобгарлигини исботлаш Суғурта қилдирувчи/ Суғурталанган шахс/Наф олувчи томонидан амалга оширилади.
6. Агар Суғурталанган шахс мазкур Қонданинг 12.5- банди талабларини бузган ҳолда суғурта ҳодисаси тўғрисида ариза берса, Суғурталовчига рўй берган ҳодиса тўғрисида тезроқ хабар бериш имкони бўлмаганлигини исботлаш унинг мажбурияти бўлиб ҳисобланади.
7. Агар суғурта ҳодисасининг содир бўлишига сабаб бўлган ҳолатлар бўйича Суғурталанган шахсга нисбатан жиноий иш очилган ёки суд жараёни бошланган бўлса, суғурта тўловини тўлаш тўғрисидаги қарор суриштирув ишлари ёки суд жараёни тугагунча кечиктирилиши мумкин.
8. Суғурта пулини тўлашни рад этиш тўғрисидаги қарор Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчига ёзма равишда Суғурталовчига суғурта пули юзасидан мурожаат этилган кундан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида, ушбу Қоидада ўрнатилган тартибда маълум қилинади ва унда рад этиш сабаблари далилларга асосланган бўлиши керак.

1. БЎЛИМ. СУГУРТА ҚОПЛАМАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ

1. Суғурта қопламаси Суғурталовчи ва суғурта тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс томонидан имзоланган суғурта ҳодисаси тўғрисидаги Далолатнома асосида, суғурта ҳодисаси Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси деб тан олинган вақтдан бошлаб 15 (ўн беш) кун мобайнида амалга оширилади.
2. Суғурта тўлови Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – Сўмда, харажатлар амалга оширилган чет эл валютасига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан суғурта мукофоти тўланган санада белгиланган курс бўйича, Аризачи/Суғурталанган шахс/Наф олувчининг банк ҳисоб рақамига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
1. Агар харажатлар амалга оширилган чет эл валютаси курси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланмаган бўлса, томонлар ушбу чет эл валютасининг Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – Сўмга нисбатан курснинг аниқлаш манбасини белгилаб оладилар ва ушбу ҳол суғурта ҳодисаси тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади.

2. Мазкур Қоиданинг 9- бўлими бўйича Суғурта тўлови Ўзбекистон Республикаси миллий валютаси – Сўмда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан суғурта мукофотини тўлаш куни учун ўрнатилган Евро курси бўйича Наф олувчининг банк ҳисоб рақамига бир йўла пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.
3. Суғурталанган шахсга кўрсатилган хизматлар учун Суғурталовчи томонидан муассасага тўланган ҳар бир тўлов, Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммасини тўланган тўлов миқдорида камайтиради.
4. Бир ёки бир нечта суғурта ҳодисаси бўйича Суғурталовчи томонидан амалга оширилган Суғурта тўловининг умумий ҳажми Суғурта дастурига киритилган ҳар бир хизмат бўйича суғурта суммасидан ошиши мумкин эмас.
5. Суғурта тўлови амалга оширгандан сўнг мазкур Қоиданинг 12.6- бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг асл нусхалари Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс/Наф олувчига қайтарилмайди.

1. БЎЛИМ. СУГУРТА ПОЛИСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

1. Суғурта полисининг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўзда тутилган ҳолатларда бекор қилинади.
2. Полис Суғурта қилдирувчининг ёзма аризасига биноан исталган вақтда муддатдан олдин бекор қилиниши мумкин.
3. Суғурта мукофотини қайтариш қуйидаги тартибда ва ҳолатларда амалга оширилади:
 1. Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта полисида кўрсатилган Полисининг амал қилиш муддати бошланишидан аввал суғурта қилишдан воз кечиш ҳақида маълум қилса – Суғурталовчи унга тўланган суғурта мукофотини тўлиқ ҳажмида қайтаради.
 2. Суғурта қилдирувчи ушбу Суғурта полисида кўрсатилган Полисининг амал қилиш муддати бошланганидан сўнг суғурта қилишдан воз кечиши ҳақида маълум қилса – Суғурталовчи унга тўланган суғурта мукофотини тугамаган суғурта даври учун белгиланган ҳажмида қайтаради.
 3. Суғурталанган шахснинг хорижда бўлиш вақти ўзгариши сабабли хориждан муддатидан илгари қайтса – Суғурталовчи унга суғурта мукофотини фойдаланилмаган суғурта даври учун белгиланган ҳажмининг 85 (саксон беш) фоизини қайтаради;
 4. Мазкур Қоиданинг 14.3- бандида назарда тутилган юқорида қайд этилган барча ҳолатлар бўйича,

«Шенген келишуви» мамлакатларига 92 (тўқсон икки) кунгача муддатга Полисни расмийлаштирган Суғурта қилдирувчига суғурта мукофотини ёки унинг қисmini қайтариш чоғида, мазкур Қоиданинг 4.5- бандига мувофиқ Суғурта полисининг амал қилиш муддатига қўшилган сўнгги 15 (ўн беш) кун ҳисобга олинмайди.

1. Суғурта мукофоти қуйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:
 1. Ушбу Қоидада кўрсатилган суғурта даври мобайнида суғурта ҳодисаси рўй бериб, Суғурталовчи ўз мажбуриятларини бажарган ёки бажараётган бўлса;
 2. Суғурталанган шахснинг паспортида саёҳат учун визанинг мавжудлиги ва ушбу визани олиш учун Суғурта полиси бўлиши керак деган амалдаги виза мавжуд бўлса;
 3. Суғурта қилдирувчи Суғурта полисида кўрсатилган суғурта даври тугагандан сўнг, суғурта қилишдан воз кечиш ҳақида маълум қилганда.

1. БЎЛИМ. БОШҚА ШАРТЛАР

1. Томонлар ўз зиммасига олинган мажбуриятларни бажармаслик ёки нотўғри бажариш бўйича Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.
2. Ушбу Қоидада кўзда тутилган ёки у билан боғлиқ, шу жумладан уни бажариш ва бузишга тегишли масалалар бўйича баҳслар, талаблар ёки тушунмовчиликлар юзага келганда, томонлар уларни музокаралар йўли билан ҳал этиш чорасини кўрадилар.
3. Баҳслар, талаблар ёки тушунмовчиликларни ҳал этиш имконияти бўлмаганда, улар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.
4. Агар бирорта юзага келган вазиятлар (шароитлар) ушбу суғурта шартномасида ўз аксини топмаган бўлса, Суғурталовчи ўз фикрига таяниб, ўзаро келишув асосидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

